

Сийрат дарслари (223-дарс) Зулмдан сақланиш



19:00 / 25.03.2023 3709

868. Жундаб ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Ким мақтанишини ёйса, Аллоҳ унинг шармандалигини ёяди. Ким риёкорлик қилса, Аллоҳ унинг риёкорлигини ошкор қилади».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

869. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Сизлар бир ишларни қиласизлар ва улар кўзингизга қилчалик ҳам кўринмайди. Биз эса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида уларни ҳалокатга элтувчилардан ҳисоблар эдик».

Бухорий ривоят қилган.

870. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Зулмдан кўрқинглар, чунки зулм Қиёмат кунининг зулматларидандир. Ўта бахилликдан кўрқинглар, чунки ўта бахиллик сиздан олдингиларни ҳалок қилган, уларни қонларини тўкишга ва ҳаром қилинган нарсаларини ҳалол санашга олиб борган»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

871. Иёз ибн Ҳимор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ менга: «Тавозуъ қилинглари, то биров бировга тажовуз қилмасин ва биров бировдан фахрланмасин»**, деди».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

872. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Енглари, ичинглари, кийинглари ва садақа қилинглари, исроф ва мутакаббирлик бўлмаса бас»**, дедилар».

Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.